



## Ўзбекистон – Тожикистон:

# МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 2 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қондошу қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келган, яхшию ёмон кунларда елкама-елка туриб, қийинчиликларни енгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар уларни бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди. Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Етакчилар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Сўнг Тожикистон Президенти “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуанинг мазмун-моҳияти ва меъморий хусусиятлари ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар томонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланди.

Кўксаройда Тожикистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон шохсупага кўтарилди. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул давлат раҳбарлари олди-дан тантанали юриб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Музокараларда асосий эътибор икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиkning кун тартибини тубдан кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги олти йилда ҳамкорлиkning барча йўналишларида ютуқларга эришилди. Олий даражадаги музокараларда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам алмашинувлар йўлга қўйилган.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклигини янада ривожлантириш йўлидан қатъий боришларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари савдони фаол кенгайтириш ва саноат кооперациясини кучайтириш, икки мамлакатнинг логистика ва транзит имкониятларини ривожлантириш ҳамда сув энергетикаси лойиҳаларини амалга ошириш орқали муносабатларни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни давом эттиришга томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг музокаралари икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Ўзбекистон раҳбари кўп қиррали ҳамкорлиқнинг барча йўналишларида улкан муваффақиятларга эришилганини катта мамнуният билан қайд этиб, Тожикистон бизнинг яқин қўшнимиз, содиқ дўстимиз, давр синовидан ўтган ишончли стратегик шергимиз эканини таъкидлади.

Президентимиз ўзаро манфаатли ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз манфаати йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамлашга тайёригини билдирди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Товар айирбошлаш 600 миллион долларга етди. Қўшма корхоналар сони 10 қарра ошди.

Куни кеча ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форумнинг муваффақиятли натижалари — 1 миллиард долларлик янги битим ва шартномалар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Транспорт, ҳудудлараро ҳамкорлик, парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди.

Икки давлат пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари, Сурхондарё ва Хатлон вилоятлари ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сўғд вилоятлари ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилган. Мазкур ташриф доирасида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”ни Жиззах ва Сўғд вилоятлари ҳам қабул қиладилар.

Президентлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий шериклик устувор аҳамиятга эга эканини, савдо ҳажми ва номенклатурасини қаррасига ошириш учун катта салоҳият мавжудлигини таъкидладилар.

Машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, чарм, фармацевтика, озиқ-овқат, агросаноат, тоғ-кон, металлургия ва бошқа тармоқларда лойиҳаларни амалга ошириш учун катта истиқболлар борилиги қайд этилди.

Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компанияси салоҳиятини фаол ишга солиш орқали ҳудудлараро ва саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тўғрисида келишувларга эришилди. Президентлар фан, таълим, санъат, кино ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликка эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва маънавиятини юксалтириш устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

➡ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## РАСМИЙ СТАТИСТИКА

# ЭНГ ҚАДИМИЙ СОҲАНИНГ ЗАМОНАВИЙ САЛОҲИЯТИ

**мамлакатимиз тарихида биринчи марта қишлоқ хўжалиги тармоғида рўйхатдан ўтказишда янада яққол намоён бўлади**

Дунёдаги ҳар бир мамлакат аҳолиси ва уларнинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида рўйхатга олиш тадбирларини мунтазам ўтказиб келади. Аксарият давлатларда бу жараён ҳар ўн йилда амалга оширилади.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан буён илк бор ана шундай амалиёт 2023 йил ноябрь ойида ўтказилиши белгиланган. Айни пайтда унга кенг кўламда ҳозирлик давом этапти.

➡ Давоми 3-бетда

## ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

# ДАВЛАТИМИЗ КЎМАГИ ТУФАЙЛИ СЕВИМЛИ ИШИМГА ҚАЙТДИМ

Инсоннинг қўлида хунари бўлса, яхши-да. Шу хунар ортидан умрига мазмун, рўзгорига барака қиради. Бундан ташқари, ортидан ёш авлодни эргаштиради, ўз тажрибасини баҳам кўриб, уларга хунар сир-асрорини ўргатади. Элу юртга наф келтиради, дуо олади.

Болалигимдан тақинчоқлар ясагга иштиёқ билан улғайдим. Аслида тақинчоқларга қизиқиш қонимда бор. Бобом Жумамурад читгар мато олди-сотдидан ташқари тақинчоқлар савдоси билан ҳам шуғулланган экан. Ахён-ахёнда ўзи ҳам тақинчоқлар ясаб, қизларига совға қилганини онам, холаларим ҳикоя қилиб юради.

➡ Давоми 3-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# СУВ – ҲАМ НУР, ҲАМ ДУР

**1,5 МИЛЛИОН АҲОЛИНИНГ ОБИҲАЁТГА ДОИР  
МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ**

**Мамлакатимизда сўнгги беш йилда аҳоли сув таъминотини яхшилаш бўйича 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратилди. Бу даврда илк бор 6,5 миллион аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди.**

Келгуси беш йилда соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб этилиб, ичимлик сув таъминотини 90 фоиз, оқова сув тизими қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилган. 2022 йилда ушбу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади, 245 миллион доллар жалб этилади. Асосий эътибор сув таъминоти ва сифати паст ҳудудларни ривожлантиришга қаратилади.

Сурхондарё вилояти ҳам ана шундай ҳудудлар сирасига қиради. Бу ерда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси ҳали олтиш фоизга ҳам етмаган. Мазкур муаммони ҳал этишда Президентимизнинг ўтган йил июнь ойи бошида Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида илгари сурилган ташаббус муҳим ўрин тутди. Унга кўра, бугунги кунда ҳудуд аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини Туполанг сув омбори ҳисобидан таъминлаш лойиҳаси амалга ошириляпти.

➡ Давоми 4-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## Ўзбекистон – Тожикистон:

## МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Бошланиши 1-бетда

Етакчиларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги абадий дўстлиги мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш бўйича тарихий қарори қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

Таъкидланганидек, Тожикистон Президентининг дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўладиган жорий йилда ўтаётган ушбу ташрифи биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамлигининг ёрқин тасдиғидир.

Тожикистон Президентининг ташрифи доирасида Зарафшон дарёсида Яван гидроэлектр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон раъсий тугмани босиб, қурилишга старт бердилар.

Ушбу ишшоот энергетика соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликда биринчи йирик лойиҳа бўлади. 140 мегаватт қувватли замонавий станция мамлакатларимиз энергетик хавфсизлиги, сув ва қишлоқ ҳўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутadi.

Муҳандислик ишлари тўлиқ замонавий стандартлар асосида, илғор хорижий компаниялар иштирокида олиб борилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришга етакчи халқаро институтлар, шу жумладан, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки қизиқиш билдирган.

Ушбу лойиҳа тармоқнинг илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, минглаб хонадонлар ва янги корхоналарни “яшил” энергия билан таъминлашга хизмат қилади.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳўжжатларни имзолаш ва алмаш-иш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тарихий аҳамиятга эга Абадий дўстлиги мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, ҳўкуматлар, вазирлик ва идоралар даражасида кўп қиралли Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 11 та ҳўжат имзоланди.

Жумладан:

— Саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”;

— Маданият вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”;

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилана фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ипакчилик тармоғида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиклик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳўжжатлар Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали

Раҳмонни ва ушбу мамлакат делегацияси аъзоларини меҳмондўст Ўзбекистонга ташрифи билан қўтлаб, Тожикистон бизнинг асрлар синовидан ўтган яқин қўшнимиз, содиқ дўстимиз ва ишончли стратегик шеригимиз эканини яна бир бор таъкидлади.

— Ўзбекистон халқи биродар тожик халқи билан тарих, маданий-маънавий мерос ва аждодларимизнинг эзгу анъаналари муштараклигига асосланган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қадрлайди. Ёруғ кўнларда ҳам, синови дамларда ҳам биз доимо елкама-елка турганимиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлаганимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз биргаликдаги сайҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларда ҳақиқатан катта марраларга эришишга, уларни жуда юқори даражага қўтаришга муваффақ бўлинганини таъкидлади.

— Айнан шу туфайли бугун чинакам тарихий аҳамиятга эга қарор қабул қилинди. Биз Абадий дўстлигини мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладик, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини Тожикистонда жуда қадрлашади.

Жорий йил октябрь ойида Тожикистон ва Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини нишонлайдилар. Аҳамиятлиси, биз учун муҳим бўлган айнан шу йилда муносабатларимизни иттифоқчилик даражасига қўтариш бўйича тарихий қарор қабул қилдик, — деди Эмомали Раҳмон.

Кейинги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳўжми қарийб 40 баробарга, жорий йил бошидан эса 35 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу йил 20 июнь кунидан бошлаб Тошкент — Душанбе йўналишида йўловчи поездининг қатнови йўлга қўйилди.

Томонлар янги транзит йўлакларини шакллантириш ва замонавий логистика инфратузилмасини яратиш, ҳаво, темир йўл транспорти ва автобуслар қатнови кўпайтириш, биргаликда агроклас-терлар ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва учинчи мамлакатлар бозорларига чиқ-ишга қелишиб олдилар.

Энергетика ва сувдан оқилана фойдаланиш борасида самарали ҳамкорлик учун ноёб имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Тожикистон Президентининг Музликларни асраш халқаро фондини ташкил этиш ва 2025 йилни Музликларни ҳимоя қилиш халқаро йили деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Музокараларда парламентлараро мулоқот ва халқ дипломатиясини янада кенгайтириш, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Биродар халқларимизни ўзаро б-йитиш ва яқинлаштиришга, мамлакатларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган миллатларимизнинг кўп сонли вакиллари бизни бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Биз миллий маданий марказларнинг муваффақиятли фаолияти учун бундан бўён ҳам зарур шароитлар яратишга тайёр эканимизни тасдиқладик, — деди Ўзбекистон Президенти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳар йили Тожикистон фуқаролари учун ажратиладиган таълим грантлари сонини кўпайтирмоқчи.

Мамлакатларимизда кино, маданият кўнлари ва турли фестивалларни мунтазам ўтказиб бориш давом эттирилади.

Маълумки, жорий йилда буюк шоирларимиз Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг яқин дўстлигига бағишланган қўшма фильмни суратга олиш бошланди.

— Уйлайманки, фильм намойиши давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 30 йиллигини кенг нишонлаш доирасида узоқ қутилган воқеа бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг алоҳида аҳамиятини, халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида конструктив мулоқот ва ўзаро қўмакни давом эттириш зарурлигини қайд этдилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг тарихий ташрифи натижалари, ҳеч шўбҳасиз, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, ўзаро англашув ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган ушбу саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ ҳисоблагич, музлатгич, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун аксессуарлар ясалмоқда.

Бу йил изоляция маҳсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази ишга туширилди.

Тожикистонлик меҳмонларга Технопаркда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Бу товарлар хорижий брендлар номида ва уларнинг назорати остида тайёрланиши боис, харидоргир. Сифат ва нарх мутаносиблиги билан қўшни мамлакатлар бозоридан ҳам ўрин эгалламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев икки давлатнинг турдош муассасалари раҳбарларига ўзаро яқиндан ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва савдон кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, маҳсулотларнинг кенг ассортименти ва сифати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдилла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**Ўза мухбирлари**

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



## ХАЛҚЧИЛ ЙЎЛ

## СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ БИЛАН ЭРИШИЛГАН МАҚСАДЛАР ШУКУҲИ

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутаты**

Мамлакатимизда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни жойида бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган Президент Халқ қабулхоналари самарали фаолият юритиб, бу янги демократик тизим ўзини тўла оқлади. Бундан ташқари, барча давлат органлари фаолиятида халқ дардига қўлоқ солиш, муаммоларини жойида ҳал этиш ва халқни рози қилиш бўйича самарали ишлар қилинмоқда.

бўлмоқда. Жамиятда камбағаллик ва ишсизликка барҳам бериш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” жорий қилинди. Жойларда ушбу дафтарларга киритилган фуқароларга ер берилиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун субсидиялар, имтиёзли кредитларнинг ажратилиши уларнинг турмуши яхшиланишига, ҳаёти фаровонлашишига ва энг муҳими, ўзини ўзи банд қилишига омил бўлмоқда.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев вазифасига киришган илк паллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жойга эҳтиёжи жуда юқори эди. Давлатимиз раҳбари одамларнинг уй-жой билан боғлиқ жуда кўплаб муурожаатларини эътиборга олиб, аҳолини уй билан таъминлаш чораларини кўрди. Инсонларни энг кўп ташвишга солаётган уй-жой маасаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Халқимизда “Уйи борнинг ўйи бўлмайди” деган мақол бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Зеро, одамларнинг уй-жой билан таъминланганлиги даражасидан қониқиш ҳисси оилавий бахт-саодатга элтувчи асосий омилдир.



Натижада янги Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланди. Айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилди.

Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг уй-жой шароити тубдан яхшиланган, шаҳар ва қишлоқларда янги турар жойлар қуриш суръати ва кўлами жадал кенгайиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Қурилиш ишлари нафақат азият пайтахтимизда, балки ҳудудларда ҳам кенг тус олди. Бунинг натижасида бугун чекка-чекка қишлоқларимиз ҳам узгача қиёфага кириб, шаҳардан қилишмайдиган ажойиб манзиллар бунёд этилди. Утган тўрт йилда давлат дастурлари асосида 140 минг ёни йилгига ўртача 35 мингдан зиёд уй-жой барпо этилди. Натижада узоқ йиллар бошламасиз бўлган юзлаб, минглаб оилалар шахсий уйига эга бўлди.

Уй-жой масаласини ҳал этиш юзасидан келгусида ҳудудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қўлайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд қилиниши, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари ижрич давом эттирилиши йиллар давомида ижарама-ижара, сарсон-саргардон юрган минг-минглаб инсонлар қалбига ишонч туйғусини олиб кирди.

Халқимизнинг ҳаётдан рози қилишининг, юртимиз янги қиёфасини яратилишининг энг самарали механизмларидан бирига айланиб улгурган “Обод қишлоқ”, “Обод

маҳалла” дастурлари доирасида мамлакатимизнинг кўплаб қишлоқ, маҳалла ва овулларидидаги миллионлаб инсонлар ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида улардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, уй-жойлар таъмирланди, ичимлик сув ва электр энергияси тармоқлари янгиланмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, халқ саломатлиги, миллият генотипи мустаҳкамлиги шу давлатнинг катта бойлиги саналади. Шу мақсадда ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини қўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий қадрлар тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Мавжуд куч ва воситаларни жалб қилган ҳолда, энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронажнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли саломатлигини таъминлашининг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимни яратилмоқда.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида ўқитувчининг мавқеини юксалтириш, устоз-муаллимларга муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида педагог ходимларнинг иш ҳақи босқичма-босқич ошириб боришмоқда. Ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини тўғри йўналтириш, умумтаълим фанларини ўқитишининг бутунлай янгилаш услубига ўтди.

Эътиборли томони, халқ билан мулоқот нафақат юртимизда яшаб турган фуқаролар билан, балки адабиёт, ёмон йўлга кириб қолган ватандошларимизнинг ҳам дарду ташвиши тинганиб,

уларга нисбатан кечиримли бўлиш, инсонийликнинг энг юксак намунасини кўрсатиш давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим ислохотларидан бўлди. Мамлакатимиз тарихида илк бор амалга оширилган “Меҳр” операцияси доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистондан қўллаб қўқароларимиз, асосан, аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келинди.

Маълумки, юртимизда узоқ йиллар давомида яшаган кўплаб инсонлар ва уларнинг фарзандлари расмиятчилик билан боғлиқ турли мушкулликлар сабаб Ўзбекистон фуқаролигини олиш муаммосига дуч келган. Бу уларнинг нафақат ўз тақдири, балки фарзандлари тақдиридан хавотирланишига ҳам ҳақли сабаб эди. Давлатимиз раҳбари уларнинг муурожаатлари ва муаммоларини эътиборсиз қолдирмай, бу масалаларга ҳам ечим топиш натижасида фуқаролиги йўқ 700 мингга яқин юрдошимиз Ўзбекистон фуқаролигини олишдек бахтга мушарраф бўлди. Шу билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилган “пропоси” тизими ислохотлари билан аҳолини доимий рўйхатга олиш тартиб-таомиллари либераллаштирилди. Муаммоларнинг бирин-кетин ҳал этилиши халқимиз ҳаётидан розилигига, бахтли яшашига сабаб бўлмоқда.

Халқ билан мулоқотнинг самарали тизимини яратиш, маҳаллаларда тадбиркорлигини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари билан шўғулланиш мақсадида мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ўз фаолиятини олиб бориб, халқимиз бу институт бежиз ташкил этилмаганини ўз ҳаётида хис қилмоқда. Улар маҳаллаларда юриб, тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган фуқароларга жой масаласини ҳал қилиш, субсидия ва кредит маблағларини олишда энг яқин қўмақчи вазифасини бажармоқда.

Албатта, ислохотлар кенг жамоатчилик, аҳолининг тақлиф ва талаб, тавсиялари асосида амалга оширилмоқда. Чунки янгиланаётган Ўзбекистонда ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишга бўлган конституциявий ҳўқуқи амалда таъминланаётгани халқаро ҳамжамят эътирофига тушди.

Хусусан, Президент талаби билан давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги “ёпиқ эшиклар” очилиб, шаффофлик таъминланиши натижасида, айниқса, аҳолининг ўзи хоҳлаган мавзуда танқидий фикрларини эмин-эркин билдиришига очик майдон яратиб берилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 11-мақсадида **Халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида илгари сурилди**. Халқ билан очик мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, давлат органларига келиб тушган муурожаатларни қўриб чиқиш жараёнини рақамлаштириш, муурожаатларнинг тезкор ва сифатли қўриб чиқишини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Энг асосийси, **“Давлат халққа хизмат қилиши шарт”** ҳўсияни татбиқ этишни назарда тутувчи **“Халқчил давлат”** миллий дастури ишлаб чиқиш белгиланди.

Аҳоли фикрини ҳисобга олиш ва давлат органлари ҳисобдорлиги соҳасидаги қўрсаткичдини яхшилашда қабул қилинаётган муҳим қарорлар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларнинг бу борадаги ташаббусларини аниқлашга қаратилган махсус онлайн платформалар имкониятларидан фойдаланиш ижобий натижа бериши мумкин. Ҳозирги вақтда бундай ресурслардан бири **jamoatchilik.uz онлайн платформаси** бўлиб, у фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг ислохотлар ва муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, давлат идоралари фаолияти очиклигини, уларнинг аҳоли олдида ҳисобдорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган. Ушбу ресурс орқали қонунчилик, давлат ва ҳудудий дастурлар, шунингдек, долзарб воқеа ва ҳодисалар юзасидан тақлифлар билдириш имкониятлари мавжуд.

**“Mening fikrim” веб-портали** ҳам юқорида айтиб ўтилган мақсадларда яратилган. Веб-портал орқали Олий Мажлис палаталари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига муҳим қарорлар юзасидан тақлифларни жамоавий муурожаат шаклида билдириш имконияти яратилган. Веб-порталда муурожаатларни йўллаш, жойлаштирилган муурожаатлар билан танишиш, жойлаштирилган муурожаатларга овоз бериш, жамоавий муурожаатларнинг ҳолати ва натижалари ҳақида маълумот олиш имкониятлари мавжуд.

Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга интернет, ижтимоий тармоқлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда. Жамоатчилик фикрини ташкиллаштириш жамият ижтимоий ҳаётида бирламчи омил ҳисобланади. Уни бошқариш давлат тараққиётини қўрсатувчи ички тузилмадир, назорат қилиб бориш эса давлат ва жамоатчилик фикри ўртасидаги муҳим бугун бўлиб, жамиятдаги тинчлик, тотувлик, барқарор ривожланишининг кафолати бўла олади.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тавсиясига биноан, худди шундай тадбирлар жаҳон агросекторида ҳам ташкил этиб келинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида юртимизда 2024 йилда мазкур тармоқда рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш белгиланган.

# ЭНГ ҚАДИМИЙ СОҲАНИНГ ЗАМОНАВИЙ СЛОҲИЯТИ

мамлакатимиз тарихида биринчи марта қишлоқ хўжалиги тармоғида рўйхатдан ўтказишда янада яққол намоён бўлади

Унинг мақсад-моҳияти ва олдинда турган вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир БЕГАЛОВ билан суҳбатда бўлдик.



— Мамлакатимиз тараққиётини янги bosқичга кўтариш вазифаси ва жаҳонда oзиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг oшиб бoриши аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, унга бoзop механизмлари, айниқса, инновацион ва тежамкор технологиялар, инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозo этмoқда. Ана шу мақсадларга эришишда тармоқда фаoлият кўрсатаётган субъектларнинг батафсил тавсифларига эга бўлиш, уларнинг ҳoлати ва тузилиши тўғрисидаги расмий статистик маълумотларни жамлаш қандай аҳамият касб этади?

— Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, шу билан бирга, ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч соҳаларидан биридир. Бугунги кунда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиз аҳолисининг ярами қишлоқ жойларда истикомат қилишини инobatга олсак, табиийки, уларнинг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан аграр соҳа ривожига билан узвий bogлиқ.

Сўнгги йилларда тармоқни тубдан янгилаш ва ривожлантириш юзасидан кенг қўлламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соҳага инвестиция жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишга aloҳида эътибор қаратилиб, инновация ва axбopот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари жадаллашиб бoряпти. Аграр инфратузилма ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳсулот этиштиришдан тортиб уни сотишгача бўлган ахлит занжирни ўз ичига қамраб олган кластер тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш ҳамда фойдаланишга қайта қиритиш бўйича тизимли ишлар қилиняпти.

Масалан, oхирги йилларда ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва галла майдонларига мева-сабзавот ва oзуқа экинларини этиштиришга аҳамият берилляпти, интенсив bogлар ва тоқзорлар, замонавий иссиқхоналар барпо этиляпти. Дастурилик тармоқнинг ривожлантириш чоралари доирасида чорвачилик, қўй ва эчкичилик, паррандачилик, балиқчилик каби қўллаб-қўллайлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилляпти.

Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигидagi ислохотлар натижасининг халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш, статистик кузатувларни ўтказиш усулларини янада кенгайтириш ва тақомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозo этмoқда. Бунда қишлоқ хўжалиги субъектларининг батафсил тавсифларини олиш ва улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, аграр сектор ҳoлати ва тузилиши тўғрисидаги расмий статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида рўйхатдан ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аграр секторида бундай тадбир умуман амалга оширилмаган. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таркибига кескин таъсир

кўрсатган ўзгаришлар, тармоқ кўрсаткичларининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чеқламоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 26 февралдаги қарорига биноан, 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларини йўлга қўйиш белгиланди.

— Мамлакатимизда бу жараён илк бор ўтказилаётган экан, табиийки, бу борада тўпланган халқаро тажрибалар ва унга асосланган тавсиялар нечоғлиқ қўл келади?

— Халқаро амалиётда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тавсиялари асосида аграр соҳада рўйхатдан ўтказиш одатда ўн йилда бир марта ташкил этилади. Айрим ривожланган давлатларда бу муддат 4-10 йилда бир мартага тўғри келади. Масалан, Германия ва Нидерландияда тўрт йилда бир марта, АКШ, Канада ҳамда Жанубий Кореяда ҳар беш йилда, МДҲга аъзо мамлакатларда 10 йилда бир марта ўтказилади.

ФАО рўйхатдан ўтказишнинг халқаро стандартлари, тушунча ва таърифлар ҳамда услубийётларни ишлаб чиқиш билан бирга, давлатларга техник кўмак кўрсатиш орқали ҳам ёрдам бериб келади. Ҳозир 2016-2025 йилларни қамраб олган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг 2020 йил раунди давом этмoқда.

Дастлаб 1930 йилда ушбу тадбир амалга оширилганда ФАОга аъзо давлатлар сони 55 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил раундида уларнинг сони 150 тага етиши кутилмоқда.

Навбатдаги тадбирни амалга оширадиган турли мамлакатларни методик қондалар билан таъминлаш мақсадида ФАО томонидан икки томдан иборат “Жаҳон қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш — 2020 йил” дастури ишлаб чиқилди. Унда бу жараёни ташкил этиш, амалга ошириш, маълумотларни қайта ишлаш, натижаларни умумлаштириш, уларни chop этиш, тарқатиш ва эълон қилиш билан bogлиқ барча масалалар бўйича батафсил маълумот ва тавсиялар берилган. Бундан ташқари, мазкур дастур комплекс методологик ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган.

— Аграр соҳада рўйхатдан ўтказиш қандай мақсад-вазифаларни ҳал этишда қўл келади?

— Бу тадбир мамлакатимиз худудига ахлит ва ҳар бир маъмурий-худудий бирлик бўйича аник бир вақтда, қишлоқ хўжалиги фаолиятининг турли тавсифлари тўғрисида халқаро таққосланадиган ишончли, ҳолис ва ахлит маълумотларни ягона статистик методлар асосида йиғишни ташкил этишни назарда туттади. Унинг натижаларига қўра, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари ўлчамлари, чорва моллари ва парранда сонининг аниқлиғини келгусида мамлакатнинг oзиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, рўйхатдан ўтказиш натижасида шаклланадиган маълумотлар мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳаси учун муҳим манбадир. Улар тармоққа хизмат қилувчи инфратузилмани ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича дастурларни тайёрлаш учун ишончли замин яратади. Бундан ташқари, худудларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳамда миллий барқарор ривожланиш мақсадларини шакллантириш ҳамда унинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бoришда муҳим омил вазифасини ўтайди.

У соҳада маълумотлар базасини яратиш, статистик ҳисоб-китобларни янада тақомиллаштириш, уларни халқаро таққослаш ҳамда рейтингларда тўлиқ акс эттириш имконини беради. Статистик кўрсаткичлар сифати, ишончилиги ва шэф-фoфлигини янада оширади.



— Вазирлар Маҳкамаси қарорида қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказишни bosқичма-bosқич амалга ошириш белгиланган. Бу вазифаларни бажаришда қандай ҳуқуқий тартиб-тамоийиларга асосланади ва янгилари яратилади?

— Мазкур жараён уч bosқичдан иборат. Биринчи bosқич энг масъулиятли ҳамда узoқ вақт давом этадиган, яъни 2022-2024 йилларни ўз ичига қамраб олган тайёргарлик даври саналади. Тадбирнинг қай даражада ўтказилиши ва жараёнда шаклланадиган маълумотлар сифати ва ҳаққонийлиги кўп жиҳатдан ушбу bosқичдаги ишларга bogлиқ



бўлади. Жумладан, мазкур bosқичда рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тамоийиллари ҳамда методик асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилади. Шунингдек, автоматлаштирилган ахбopот тизимини яратиш, иштирок этувчи ходимларни жалб қилиш ва уларни ўқитиш ҳамда рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик қўриш билан bogлиқ бошқа ишлар амалга оширилади.

Ушбу даврдаги энг асосий масалалардан бири жойларда тарғибот-ташвиқчи олиб бoриш, реклама роликлари, логотипл ва шиорлар тайёрлаш ҳисобланади. Юртимизнинг айрим худудларида синов асосида рўйхатдан ўтказиш бўлиб ўтади. Унинг натижаларига қўра, 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури, услубий қўлланма, меъёрий ҳужжатлар ва маълумотларни қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқилади.

Иккинчиси асосий bosқич бўлиб, 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбири амалга оширилади. Бу жараёнда рўйхатдан ўтказувчи шахслар томонидан худудларда деҳқон ва фермер хўжалиқлари, томорқа ер эгалари, дала ҳовли участкалари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар респондентлар билан ўтказилган сўровлар орқали тўпланади.

Сўнгги bosқичда, яъни 2024-2026 йиллар давомида олинган маълумотлар таҳлил қилинади, қайта ишланади ҳамда умумлаштирилиб, дастлабки ва якуний натижалар эълон қилинади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тарихида

қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик қўриш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган асосий вазифанинг ижросини таъминлаш учун жуذا қисқа вақт қоляпти. Синов жараёни қандай мақсадларни кўзда туттади?

— Қарорда 2024 йилда ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирини сифатли амалга ошириш мақсадида 2022 йилнинг августига Самарқанд вилоятининг Жомбой ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманларида синов тарихида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Бу жараёнда рўйхатдан ўтказишнинг ташкилий масалалари, дастури, усуллари, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жиҳатлари амалда қўллаб қўрилади. Унинг доирасида ахбopот тизимини жорий этиш, услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, картографик материалларни тайёрлаш, ташкилот ҳамда хўжаликлар рўйхатини шакллантириш, худудларни участкаларга бўлиш, рўйхатдан ўтказувчи шахсларни танлаб олиш ва ўқитиш, моддий-техник воситалар билан таъминлаш, тарғибот ишлари ва бошқа шу каби ташкилий тадбирлар амалга оширилади.

Мазкур ҳужжат билан бир қатор тартиб-таомиллар тасдиқланди. Хусусан, “йўл харитаси”да аграр тармоқда рўйхатдан ўтказиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, моддий-техник ва молиявий таъминот бўйича бажариладиган ишлар ва уларни амалга ошириш механизми ҳамда муддатлари белгилаб берилган. Унда бу вазифаларнинг ўз вақтида ижро этилишига қўмаклашиш бўйича республика ва худудий комиссиялар, Давлат статистика қўмитаси, мутасадди вазирлик, идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари ҳам ўз ифодасини толган. Қабул қилинган низом эса ташкил этиладиган бўлиналарга вақтинча ёлланадиган ходимлар рўйхати, давлат органлари ва ташкилотларидан жалб этиладиган мутахассислар, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тартибларини қамраб олган.

Синов тарихида рўйхатдан ўтказиладиган тадбирда респондентларнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларини йиғишда фойдаланиладиган саволлар рўйхати унинг дастури ҳисобланади. Унга қишлоқ хўжалиги объектларининг иқтисодий фаолият турлари, меҳнат ресурслари ва уларнинг демографик тавсифлари, ер ресурслари ва улардан фойдаланиш ҳолати, қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, қўй йиллик дарахтзорлар ва тоқзорлар микдори, ҳайвонлар ва паррандалар бош сони, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳажми ва бошқа маълумотлар киритилган.

Хўлоса ўрнида қайд этиш лозимки, синов тарихида рўйхатдан ўтказиш натижаларига қўра, 2024 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури, услубий қўлланма ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш усуллари ва якунларини шакллантириш юзасидан тақлифлар тайёрланади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.

# ДАВЛАТИМИЗ КЎМАГИ ТУФАЙЛИ СЕВИМЛИ ИШИМГА ҚАЙТДИМ

ХАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КҲН



Мақтабни битирарканмиз, ўртоқларим касб танлаш борасида ўйга толди. Менда эса бу муаммо бўлмади. Шу ишнинг бошини тутдим, заргарлиқни ўргандим. 2005 йили бозорда устaxона очиб, иш бошладим. Халқ талабидан келиб чиқиб, тақинчоқлар ясадим. Аёлларнинг қимматбаҳо зирак ва узукларини таъмирлаш дейсизми, қумуш ёки металл тақинчоқлар ясаш дейсизми, барчасининг уйдасидан чиқиб, халқ ишончини қозонишга ҳаракат қилдим. Дид билан ишлов бердим.

Бироқ қувончли кўнларим узoқ чўзилмади. Ишим ортга кетди. Кунда-кунора солиқчилар бўлар-бўлмасга келиб ишлашга қўймади. Топганимнинг баракаси қўринмай қолди. Бу ҳам етмагандек, асбoб-ускуналаримни мусодара қилишди. Тушкунликка тушиб қолдим, қаерга, кимга бош уриб бoришни билмадим. Ишимдан кўнглим совиб кетди. Ҳар замонда нимадир ясагим келар, лекин иш қулолим йўқ эди. Шу тариха умримнинг ўн йили ўтди. Рўзгор, бола-чақа, томорқа ишлари кўнглимдаги ҳовурни бoсди. Сўнг ҳаётимда кутилмаган ўзгаришлар бошланди. Бу янгликлар мени қайта кашф этди.

Гап шундаки, мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш, аёллар бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромад манбаларини кўпайтириш борасида яратилаётган имкониятлар мен каби аёлларга қанот бўлди.

Бир куни телевизорда давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифини кузатиб ўтирарканман, айнан аёллар бандлигини таъминлаш бўйича билдирган тақлифлари мени ҳада руҳлантирди. Кўнглимда умид пайдо бўлди. Бироз аввал маҳалламиз раиси менга субсидия ёки имтиёзли кредит олиб, ўз ишини йўлга қўйиб олишим мумкинлиги ҳақида гапирганида, унча ишонқирамаган эдим. Президентимизнинг chorловидан сўнг дарҳол ўзим яшайдиган “Намуна” МФЙ раисига учрашдим.

Менга ҳам моддий, ҳам руҳий кўмак кўрсатилди. 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу билан тадбиркорга айланишим мумкинлигига ишонтиришди. Бу маблагга керакли анжомлар сотиб олдим.

Ўн йилдан сўнг мен яна қимматбаҳо тошлар ва металллар билан юзма-юз бўлдим, тиллашдим, кўнглимни очдим. Ҳеч бир қийинчиликсиз кредит суммасини тўлаб бўлдим. Энди ишимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари очилиши режалаштиряпмиз. Энг қувонарлиси, мен бугун ҳеч нарсадан ҳайқилмай ишляпман.

Иш қулолим соз бўлди, ғайрат билан ишга киришдим. Шунча йил тақинчоқ ясамаганим билан ҳаёлимда янгидан-янги ғоялар бор эди. Уларни амалга оширдим. Тақинчоқларимиз харидоргир бўлди. Топган-тутганимиз ҳам баракали. Шу орада мени маҳорат дарси ўтиш учун маҳаллага тақлиф қилишди. Бордим, ўз тажрибамни ҳам назарий, ҳам амалий тақдим этдим. Шу кўннинг ўзидан мени шоғирдликка олинг, деган ёшлар қўпайди.

Ёшлар билан ишлашнинг яхши томони бор: уларнинг диди ва талабини яқиндан биласиз. Ўз тажрибамни кўпроқ ёшларга ўргатиш учун ҳоли керак эди. Вилоят “Ишга марҳамат” мономарказига ишга тақлиф қилишганида, бу тақлифни бажонидил қабул қилдим. Мана, ўйлаган мақсадимга эришяпман. Ҳам сеvimли хунарим билан машғулман, ҳам бу хунарни ёшларга — шоғирдларимга ўргатяпман. Улар орасида ўз устaxonасини очиб, ишини йўлга қўйиб олганлари, тадбиркорлик билан шугулланаётганлари ҳам бор. Уларнинг ҳалол меҳнат қилаётганидан хурсанд бўламан.

Тақинчоқ ясаш инсондан дид ва тасаввур талаб этади. Ишингизга ижодий ёндашсангиз, янги ифодалар яратсангиз, ҳам кўн-



лингиз яйрайди, ҳам маҳсулотингиз харидоргир бўлади. Бугун вилоятимизнинг деярли ҳар бир туманида шоғирдларим бор. Бу хунарни ўрганган инсон ҳам бўлмайди. Икки ўғлим ҳам изимдан кетди. Катта ўғлимнинг ўз устaxonаси бор, кичиги менга ёрдамчи. Қизим ҳам бу хунар сирларидан хабардор.

Бугун юртимизда хунармандларга барча имкониятлар етарли. Имконият бўлган, ишингиз энгиллашди. Масалан, бугун металллардан тақинчоқлар ясаш кўп вақт талаб этмайди. Чунки ярим тайёр маҳсулот кўп, улардан фойдаланамиз. Шунинг учун бир ўтиришда бир жамлама тақинчоқни тайёр қилиб қўйиш мумкин. Шакл масаласи муҳим саналиб, бугунги ривожланган замонда интернет катта манбага айланди. Аввал болга, арра қилиб ўтирган бўлсак, ҳозир технологиялар — замонавий. Металллардан ишланган миллий тақинчоқларимизни ички бозордан ташқари туркиялик ҳамкорларимизга ҳам чиқарамиз. Топган-тутганимизда барака бор. Ахир ҳар бир қачини яхши қайфиятда, ички мамнуният билан бутун меҳримизни бериб ишлаймиз-да.

Айни пайтда мономарказда 3 ойлик курсда 6 шоғирдимиз билан машғулот ўтъяпмиз. Бироз мураккаб йўналиш бўлгани боис, гуруҳда одам камроқ бўлгани маъқул. Дарсларимизнинг 60 фоиздан кўпроғи амалий. Шоғирдим Умид Раҳмонқуллов ҳамкурс қизларни ёнига олиб, устaxона очмоқчи. Уларнинг режаларидан, ўз олдига қўйган мақсадида хурсанд бўламан. Мени мамнун қиладигани — ёшларга тушун қайфият ёт, улар катта-катта озулар қилади, бу орзу кенг қанот ёйиб, амалга ошишига ишонади. Аслида мана шу ишонч уларни бу ерга етаклаб келган.

Раъно ЭШИМБЕТОВА

Сирдарё вилояти



Бундан беш йил илгари Тўполанг дарёсида бор-йўғи 30 МВт. энергия ҳосил қилинган бўлса, тез орада бу қувват қарийб олти баробарга ошади. Сув омборидан пастда бири-бирдан унча узоқ бўлмаган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” гидроэлектр станциялари ишга тушди. Бу билан Тўполанг дарёсида қурилган ГЭСлар 3 тага етиб, уларнинг умумий қуввати 105,6 МВт.ни ташкил этмоқда. Бу йилига ўртача 300 миллион кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Бошланиши 1-бетда

### Сув келтирган элда азиз

Сурхондарёдаги Тўполанг сув омбори Сариосиё тоғларидан оқиб тушган сувларни бир жойга тўплаш натижа-сида вужудга келган. Ўзига хос табиати ва баланд тоғлар қуршовидаги ушбу кат-та гидроиншоот бу ерда яшовчи аҳоли учун энг зарур манба ҳисобланади. Де-нов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги экинзорлар мазкур сув омбори орқали суғорилса, унинг қуйи қисмидаги ГЭСлар қуввати вилоятнинг жанубий ҳудудларини электр энергияси билан таъминлайди.

“Тўполанг” ГЭС 2006 йилда ишга туш-ган. Бу ерда ҳар бири 15 мегаватт бўлган иккита агрегат ишлаб турарди. Бундан беш йил олдин давлатимиз раҳбари топ-ширигига мувофиқ, аввалига мазкур сув омбори тўғони 20 метрга кўтарилди. Нати-жада унинг сигими 380 миллион куб метр-дан 500 миллионга етказилди.

— Давлатимиз раҳбари 2019 йил ба-ҳорида ушбу объектдаги модернизация жараёни билан танишар экан, биринчи ва иккинчи гидроагрегатларни қуриш бўйича топшириқ берган эди, — дейди “Тўполанг” гидроэлектр станцияси раҳбари Асрор Улугов. — Айни кунларда ҳар бири 72,5 мегаваттлик иккита гидроагрегатни қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда. Улар ишга туширилгач, 175 мегаватт қувватга эга бўлади. Шу тариқа, “Тўполанг” ГЭСи мам-лакатимиздаги “Чорвоқ” ГЭСидан кейин иккинчи ўриндаги станцияга айланади.

Бундан беш йил илгари Тўполанг дар-ёсида бор-йўғи 30 МВт. энергия ҳосил қилинган бўлса, тез орада бу қувват қарийб олти баробарга ошади. Сув омбо-ридан пастда бири-бирдан унча узоқ бўлмаган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” гид-роэлектр станциялари ишга тушди. Бу билан Тўполанг дарёсида қурилган ГЭС-лар 3 тага етиб, уларнинг умумий қуввати 105,6 МВт.ни ташкил этмоқда. Бу йилига ўртача 300 миллион кВт.соат электр энер-гияси ишлаб чиқариш имконини беради.

Лекин бу кўрсаткич дарёнинг гидроэ-нергия салоҳиятидан тулик фойдаланиш, дегани эмас. Ундан қўшимча қувватлар олиш имконияти ўрганилиб, қуйи қисми-да 16 МВт.ли навбатдаги станцияни қу-риш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, келажақда Тўполанг дарёсининг асосий иромқалани ҳисобланган Киштутда қуввати 50 МВт. ва Мизотда 25 МВт. бўлган ГЭС-лар қуриш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Улар ишга тушгандан сўнг, ГЭСлар сони 6 тага етиб, умумий қу-вати 341,6 МВт.ни ташкил қилади, йиллик электр энергия ишлаб чиқариш кўрсатки-чи эса 1 миллиард кВт. соатдан ошади.

Сурхондарё вилоятида фойдаланила-диган сув ресурсларининг умумий ҳажми йилига 4270 миллиард куб метрни ташкил

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# Оҳангарон:

# ЧОРВАЧИЛИКДАГИ ИМТИЁЗ ВА ИМКОНияТЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархларнинг ўсиши кун сайин кучайиб бораётгани таъкидланиб, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, жумладан, паррандачилик ва чорвачиликни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, чорвачилик — нарх-наво барқарорлигида муҳим соҳа. Энг кўп тур-даги озиқ-овқат маҳсулотлари шу тармоқ-да етиштирилади.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш учун Тошкент вилоятининг Охангарон тумани ҳам катта имконият ва салоҳиятга эга. Қўлай географик ўрни, кенг яйловлар ва қир-адирликларда жойлаш-гани туфайли туманда чорвачилик яхши ривожланган. Шунга қарамай, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўпчилиги боис, 2019 йилнинг 23 октябрида Вазирлар Маъ-камасининг “Тошкент вилояти Охангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур ҳужжатда тумандаги мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш-ни ташкил этиш ҳисобига соҳани янада ривожлантириш, замонавий технология-лар асосида чорвачилик комплексларини қуриш ҳамда аҳоли истеъмолчи учун си-фатли гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш вази-фалари белгиланган.

Хўш, ушбу қарор асосида туманда чор-вачиликни ривожлантириш борасида иш-лар қандай йўлга қўйилди? Бепилланган вазифалар ижроси қай даражада самара бермоқда?

Авваллари Охангарон туманида 70 минг бошгача жундор меринос қўйлар,

ангор зотли эчкилар боқилган. Кейинча-лик улар бошқа зотлар билан чагишиб, зоти бузилиб кетган. Шу боис, бундай қўй ва эчкиларни кўпайтиришга бугун яна ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Қўйлар зоти-ни ахшилаш учун 50 бош зотли меринос кўчқор, 320 бош қўй олиб келинган. Айни пайтда тумандаги меринос зотли қўйлар сони 4100 бошга, ангор зотли эчкилар сони 7800 бошга етди.

2021 йилнинг январь ойидан 2022 йил-нинг май ойигача туманга четдан 5325 бош наслили йирик шохли қорамол, 276 бош йилки олиб келинди. Ушбу зотдор сигирлар кунига 20-25 литр сут берапти. Авваллари фақат сут йўналишидаги зот-ли моллар келтирилган бўлса, эндиликда, асосан, гўшт учун боқиладиган ангус ва лимузин зотли моллар ҳам олиб келиняпти. Ҳозирги кунда туманда 1080 бош ушбу зотли моллар боқилаяпти.

Сут ва гўштни кўпайтириш, яъни чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини оширишда биринчи ғалда сифатли озуқа тайёрлаш, уларни тўғри озиқлантириб, парвариш-лашга боғлиқлиги илмий асосланган. Шундан келиб чиқиб, Охангарон туманида чорва молларини санотат усулида боқишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

— Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида ҳудудни чорвачилик-ка ихтисослаштириш, бунинг учун чорва комплексларини ташкил этиш юзасидан



топшириқлар берган эди, — дейди туман ҳокими Абдураҳул Абдуллаев. — Шундан келиб чиқиб, қорамолчилик йўналиши-да қиймати 749 миллиард сўмлик 43 та лойиҳадан 32 таси — замонавий чорва комплекси ишга туширилди, қолган 11 та-сида қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Қўйчилик йўналишида қиймати 157,4 мил-лиард сўмлик 52 та лойиҳадан 39 тасида иш бошланди, 13 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда.

— Етти гектар ерни эгаллаган чорва комплексини 2019 йилда қуриб битка-зилган, — дейди “Иса Ҳалол” масъуляти чекланган жамияти раҳбари Афзал Каю-мов. — У ерда Словакиядан олиб келинган симменталь ва голштин зотли қорамоллар боқилмоқда. Корхонамиз барча замона-вий воситалар билан таъминланган. Утган

ичимлик сувга бўлган эҳтиёж ҳам мутта-силь ортиб боради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ғайрат Са-фаров. — Бу борада вилоятнинг ҳар бир тумани бўйича таҳлилий ҳисоб-китоблар тайёрланган. Мисол учун, ҳозирда Ангор тумани аҳолиси 134 мингдан кўпроқ бўл-са, 2040 йилга бориб қарийб 163 мингга етиши кутилмоқда. Бу эса ана шу муддат-да ичимлик сувга бўлган талаб 960,31 куб метр секундни ташкил этишидан далолат беради.

Бандихон туманида ҳам талабнинг ана шундай ўсишини кузатиш мумкин. Ҳо-зирда 77 мингдан кўпроқ аҳоли яшаётган ҳудудда орадан йигирма йил ўтиб, улар сони 93 минг нафардан ошиши кутил-моқда. Натижада ичимлик сув истеъмоли 501,45 куб метр секундни тақозо этади.

Ана шундай эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларнинг барчаси 2024 йилда ниҳоясига етказилиши мўлжаллан-ган. Унинг умумий қиймати 138 миллион доллар бўлиб, 1,5 миллион аҳолининг ичимлик сувга доир муаммоларини тўлиқ ҳал этиши ҳисоб-китоб қилинган.

### Мураккаб жараёнларнинг технологик ечимлари

Лойиҳани амалга ошириш жуда мурак-каб технологик ечимларни тақозо этади. Бунинг учун, энг аввало, Тўполанг сув омборининг қуйи қисмида шиддат билан оқиб тушаётган сув босимини сундириш, уни тозалаш ва тарқатиш иншоотларида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда. Мазкур қурилиш ишлари

жами 361 километр узунликдаги қувурлар тортилади.

— Бу ишларни амалга оширишда Рос-сиянинг “Загорский трубный завод”и ва “Тошкент қувур заводи” қўшма корхона-си МЧЖ томонидан амалга чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланилмоқда, — дейди лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Суҳроб Йўлдошев. — Ҳозирда Сариосиё — Термиз ичимлик сув тармо-ғининг 28 километр ҳамда Сариосиё ту-мани ички тармоғининг 9,5 километрга металл қувурлар ётқизиб бўлинди.

Сангардак дарёсидан ўтувчи қисмида узунлиги 161 метр бўлган докер, яъни қу-вур шаклидаги босимли сув ўтказгични қу-риш ишлари тугатилди. Жами қуриладиган 22 та сув тозалаш иншоотининг 15 тасида бир вақтнинг ўзида қурилиш-монтаж, 4 та-сида ишчи лойиҳаларни тайёрлаш ишлари олиб боришмоқда. Қолганларини барпо этилишига доир режалар таҳлилдан ўт-казилмоқда. Сув сақлаш ва тарқатиш ин-шоотлари бўйича Сариосиё туманида 3 та ва Деновадаги йирик ҳажмли резервуарни қуриш давом этяпти.

Умуман олганда, лойиҳа доирасида-ги объектларда жами бажарилиши зарур бўлган 8 353 минг куб метр ер ишларининг қарийб 90 фоизи, 10,76 минг куб метрлик монолит бетон юмушларининг 80 фоизи амалга оширилди. Қурилиш-монтаж иш-ларига бугунги кунда 300 дан ортиқ ма-шина-механизмлар ҳамда 600 нафардан зиёд инженер-техник ва ишчи-ҳодимлар жалб қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ло-йиҳа асосида жорий йилда Сариосиё ва Денов, Оптинсой туманлари ичимлик сув билан таъминланса, кейинги йилда Шўр-чи, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманлариға етказиб берилади.

— Элимизнинг сув келтиришнинг ази-лиги ҳақидаги ҳикматлари кўп, — дейди Сариосиё туманидаги “Себзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Авазмурод Ава-зов. — Ана шулардан бирида бугунги кунда ҳудудимизда бўлаётган ишларга монанд равишда “сув берсангиз элга, яшарсиз минг йилга”, дейилади. Ана шундай эзгу ташаббусни илгари сурган Президентимиз элимизнинг асрлар буйи орзу қилиб келган ниятларини рўёбга чиқариб, минг-минглаб юртдошларимизни тоза ичимлик сувга бўл-ган эҳтиёжини таъминлаб берапти. Бу ло-йиҳа наинки бугунги авлод, балки келажақ ворисларимизнинг ҳам яхши яшашлари қўзланганлиги билан қадрли-қиммати яна-да катта. Шу боис, маҳаллаларда қай бир тадбир ёки оилавий гурунғ борки, уларда ўз-ларининг миннатдорликларини дуои тилак-лари орқали билдирмоқда. Энг асосийси, ҳикматда айтилганидек, савоби минг йил-ликларга етадиган ишлар амалга ошмоқда.

### Рауф НУРУЛЛАЕВ, иқтисодий шарҳловчи



ғирлатиб суғориш технологияси ўрнатилди. Натижада ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосил уч баробаргача оши-ши кутиляпти.

Тумандаги “Мирзали ота” фермер хў-жалигининг 5 гектар майдонида маккажу-хорининг амарант, вигна ва эверест хори-жги навлари экилиб, янги турдаги силос қадоклаш ускуналари олиб келинди. Бунда кичик ҳажмларда қадокланган си-лоснинг сифати таъминланади. Шунинг-дек, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда туманда лавлагининг озуқабоп “Ўзбекистон-83” навининг уруғ-чилик ишларини ташкил этиш йўлга қў-йилди.

Жорий йилда ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги боис, яйлов ва лалми май-донлардан олинadиган пичанлар миқдори камдаи 40-50 фоиз кўп бўлиши кутилмоқ-да. Бундан ташқари, ҳозирги кунда 1 литр сут учун 400 сўм, 1 килограмм гўшт учун 4 минг сўм, бир дона тухум учун 100 сўм, четдан олиб келинган наслили қўй учун 400 минг сўм ва қорамол учун 2 миллион сўм субсидия берилмоқда. Бу фермерларга ўз фаолиятини янада кенгайтиришга туртки бўляпти.

Юқоридаги ишларни самарали амалга ошириш натижасида туманда йил охири-гача сут ишлаб чиқариш 106,3 фоизга, гўшт ишлаб чиқариш 107,8 фоизга етади.

Туманда аҳоли талабидан ортиқча иш-лаб чиқарилган 7159 тонна гўшт, 48112 тонна сут ва 54 миллион дона тухум ви-лоят ҳамда Тошкент шаҳри аҳолиси эҳ-тиёжи учун йўналтирилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Охангарон туманида чорвачиликни ривож-лантириш борасида салмоқли натижалар-га эришилляпти. Буни чорва комплекслари ташкил этилаётгани, чорва сони ошиб, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпаяётга-нида аққол қўриш мумкин. Бу эса тармоқ ривожланиши, бандлиқни таъминлаш ва энг асосийси, аҳоли фаровонлиги ошиши-га хизмат қилмоқда.

### Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



**Ойбек НОРИНБОЕВ,**  
**Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси раиси**

Миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш давлатимиз раҳбари илгари сурган муҳим ташаббуслардан бири бўлиб, номоддий-маданий меросни асраш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммалаштириш соҳасидаги асосий масалалардан саналади. Болалик даври турли ўйинлар, беллашувлар ва мутолаа билан боғлиқ бўлиб, бу муҳит шахснинг қандай инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги глобаллашув замонида инсон болалигининг қандай муҳитда ўтиши эртанги тақдиримиз қандай бўлишида катта аҳамиятга эга. Негаки, илгари болалар турли халқ ўйинлари ва дидактик аҳамиятга эга машғулотлар билан улғайган бўлса, ахборот технологиялари асрида компьютер график ўйинларининг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам талайгина.

Президентимизнинг жорий йил 25 майдаги “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши мамлакатимизда халқ ўйинлари янада оммалашши ва замонавий қиёфа касб этиб, ёш авлод ҳаётида тарбиявий аҳамияти ошишида катта самара беради.

Халқ ўйинлари тарихан минг йилликлар билан юзлашади. Илк халқ ўйинлари тафсилотлари Маҳмуд Кошғарий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқа машҳур алломаю тарихчиларимиз асарларида ўз аксини топган.

Маънавий улкан илмий-амалий салоҳиятга эга халқ ўйинларининг бугунги кунгача яшаб ва шаклланиб келишида Маҳмуд Кошғарийнинг ўрни алоҳида. Қомусий аллома бундан 1000 йил олдин Туркистондан Термизгача, Ҳазар ва Орол соҳилларидан Олтой тоғлари этакларигача бўлган ҳудудда ашаган туркий халқларнинг тарихи, миллий психологияси, жўроғи, тил хусусиятлари, ёзма ва оғзаки адабиёти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ҳарбий машғулотлари, халқ сайиллари ва ўйинларини теран ўрганиб, “Девону луг’оти турк” асарини ёзиб қолдирди.

Кошғарийнинг ушбу девонида туркий халқларнинг 150 га яқин ўйини тилга олинди, шулардан 20 тага яқин турги тафсилот таъриф берилган. Олим катталар ва болаларнинг ёш жиҳатларига мос бўлган ўйинларга алоҳида тўхталиб, мусобақа турларини баён қилади. У ўйинларни диққат билан ўрганиб, ҳам жисмоний, ҳам ақлий машғулотларга ажратган. Шундан билса бўладики, ҳозирги замонавий спорт ва ақлий спорт ўйинларининг деярли аксарияти ўша даврлардаёқ, яъни XI асрда ҳам мавжуд бўлган.

### Халқ ўйинлари барча спорт ўйинлари негизида

Этнограф олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, миллий ўйинлар сони 3-5 мингтани ташкил этади. Ҳар бир қишлоқ, туман ва шаҳарда ўйналадиган халқ ўйинлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ҳозиргида улук-қўнкари, от устида кураш, белбоғли кураш, тош кўтариш, ҳўроз уриштириш, бештош, қирқтош, ошик, дорбоз, чиллаки каби ўйинлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Халқимиз ор-номуси, ғурури бўлган миллий курашимиз қисқа вақт ичида халқаро майдонга чиққани қувонарли ҳол.

Аслида ўзбек халқи кўп асрлар давомида кураш, улук-қўнкари, турон, бойқўроғон каби миллий спорт турлари асосчиларига айланган курашчи-полвонлари ҳамда афсонавий чавандозлари билан машҳур

бўлган. Мамлакатимиздаги ислохотлар туфайли ҳақли равишда Ўзбекистоннинг маданий мероси бўлган миллий спортимизни дунёга намойиш этиш имконияти пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, чавгон ўйини Марказий Осиё халқларининг жуда қадимги ҳамда сеvimли от спорти ўйинларидан бири ҳисобланади. Айниқса, чавгон эл-юрт мудофеасига зарур жисмоний машқлардан бири бўлгани учун ҳам ўйин го-либига бериладиган соврин даражаси доимо юқори бўлган. Отда пойма чошиш, қушлаш, тез йўртиш туриш, тоққа чиқиш, пастликача тутиш каби бахслар бугунгача яшаб келаётгани халқимиз табииотидаги қудрат раминини англатади.

Сув ҳавзаларида ўтказиладиган мусобақалар ҳам алоҳида диққатга сазовор. Сув машқларидан бири бўлган ғаввослик жуда қадимий каспалардан бири бўлиб, Маҳмуд Кошғарий девонида сув баҳсларининг икки тури учрайди. Биринчиси, сувда чўмилиш, шўнгиш, сувдан сузиб ўтиш, сув кечиш, сувда қушлашмоқ бўлса, иккинчиси, эрмак, кўнгли очил машғулотлари маъносидagi ўйинлардир.

Асарда болалар ўйинларининг баъзилари йўл-йўлакай санаб ўтилган бўлса, баъзи ўйинлар батафсил келтирилган. Ошик, чиллақ, тўп ўйинлари, чўпон болалар, қизларнинг аргимчоқ ўйинлари ҳам бирма-бир санаб ўтилган.

Ўша даврдаги кўпгина ўйинлар болаларнинг ҳозирги даврдаги ўйинларини эслатади. Масалан, “ўтиш-ўтиш” деб аталган ўйин “кесак куйди”, “дарра солди”, “мушт кетди” ўйинларига ўхшаб кетади. Амударё ва Сирдарё соҳилларида, Орол этакларида, шунингдек, сойлар, анҳорлар, ховуз ва кўллар бўйларида болаларнинг “мугуз-мугуз” номли қадимий ўйини ўйнаган.

Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “оқсуяк” ўйини таърифини беради. Маҳмуд Кошғарий девони XI асрда битилган бўлса, Алишер Навоийнинг бу асари XV асрда ёзилган. Ҳозирги пайтда ҳам болалар “оқсуяк” ўйинини худди ўша қоида асосида ўйнайди.

Абу Али ибн Сино нафақат машҳур табиб, файласуф, балки халқ ўйинларига доир гоят ранг-баранг нодир мерос қолдирган алломадир. У халқ ўйинлари ҳақида фикр юритар экан, айниқса, бадантарбиянинг инсон саломатлиги учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берди.

Ибн Сино миллий курашимиз (бухоро-ча ва фарғонача кураш) ҳақида ҳам етарли маълумот қолдирган.

“Курашнинг турлари ҳам бири нечадир, — дейди у. — Улардан бири икки



курашувчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга, курашувчи ўз рақибдан қутулишнинг чорасини қилади. Иккинчиси эса уни қўйиб юбормасликка уринади.

Бошқа тури: курашувчилардан бири иккала қўли билан рақибини маҳкам қучоқлаб ўзига тортади ва ерга ағдараяди, бу вақтда унинг қўли биринчи курашувчининг ўнг қўли остидан ўтказилиши керак, курашувчилар гоҳ ғавдаларини тиклаб, гоҳ эғди.

Бадантарбиянинг биринчи тури “ғавда учун махсус ҳаракатлар” ҳисобланиб, уларнинг ҳар бирида муайян ўйин унсурлари мавжуд. Яъни қўл ва оёқ ҳаракатлари, қўрак ва нафас аъзолари ҳаракати, бутун танага оид ҳаракатлардир.”

### Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида халқ ўйинларининг аҳамияти

Амир Темур шон-шўҳрат қозонишининг сирин моҳир саркардалиги, одиллиги, до-нишмандлиги, шу билан бирга, ёшлугиданоқ кураш, чавандозлик, найзбозлик, қалқонбозлик, тийрандозлик, қиличбозлик ҳамда ов илмини мукаммал эгаллаганидандир.



Бу эса унинг болалигиданоқ кўплаб ҳарбий-амалий таъсифга эга бўлган халқ ўйинларини ўйнаганидан далолат беради. Чунки болаликда ўйналган ўйинлар уни ҳаётда жангларга, узок сафарларга тайёрлашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган.

“...Амир Темур 14 ёшга келиб эрди, хон сўрдиким, туруғ отлик кимдир? Анда биров туриб айтди: “Бу Тарағай Баҳодир ўғлидир”. Амир Темур хоннинг назарида ёш бола кўришиб, буюрдиким: “Тарағай Баҳодирнинг ўғли жангга бормасин”.

Анда Амир Темур ўқ-ёй олиб, тоблаб юборди. Отлиб, эллик қадам ерга бориб тушди. Мирзо Сайфиддин анда тақдир қилиб, ани ўрнига юборилмади. Андин кейин Соҳибқирон дастури Чигатой бирла жонга келиб, тиззасин буюиб, хонга таъзим қилди. Айтди: “Илтимос қилиб сиздин хоҳажурмен, давлати хумоюннингизда ушбу қўшин мен бирла талош қилсалар. Анда уч кун талош қилдилар. Барчалари ақалли анинг қўлидан яроғин тортиб ололмадилар. Бу журъатни Соҳибқирондан кўра, баъзилари эсхурун зўр қилдилар, қўчлари етмади, тортиб ололмадилар”.

Амир Темур шиддаткор найзбоз бўлгани ҳақида “Темурнома”да бундай ёзилган: “Филҳол Қилич Арслон асла-жа-яроғларини, найзасини қўлига олиб, Амир ҳам мусаллиғ бўлиб, отларга миниб, икки тарафдин шовқин солиб, бирдан найзбозлик қилиб, Амирга найза солди. Амир чап берди, найза солиб эрди, орқасидин яна солди... ҳозир бўл, деб Амир отин ёлиға ёлушди. Найза бориб тошга тегиб, икки қарчч ботти, яна тортиб олиб найза солди. Амир найзани ўтказиб, қилич солди...”.

Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат, мамлакат ва фуқарога ғамхўрлик эди. Унинг қоидаи “рости-русти” эди. Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат демакдир, деб тушуинтир эди. У инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлаган.

Шарқ алломалари, маънавий хазинамиз эгалари бўлмиш зукко шахслар миллий спорт ўйинларининг ёш авлод тарбия-

сидаги бениҳоя катта аҳамияти ва ижтимоий-психологик таъсирини ўз илмий асарларида қайта-қайта ўқитиб ўтган.

### Халқ ўйинларига ёндашувнинг янги босқичи

Президентимизнинг “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида этносспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури ҳамда уни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган бўлиб, унга кўра, 2023 йил 1 мартдан ҳар йили этносспорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиши белгиланган.

Жумладан, 2023 йилдан анъана-вий тарзда Тошкент шаҳрида ҳар йили этносспорт турлари бўйича Uzbekistan Ethno Games республика фестивали ва Хива шаҳрида ҳар икки йилда Халқаро этносспорт фестивали ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳужжатда 2022-2023 ўқув йилидан республика эстрада-цирк коллежидида полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрлари тайёрлаш, ҳар икки йилда полвонлар ва дорбозлар иштирокида “Полвонлар сулоласи” кўрик-танлови ўтказиб белгилб берилган.

ЮНЕСКОдан номоддий-маданий ме-рос мақоми олиниши мумкин бўлган этносспорт турлари рўйхати шакллантирилиши миллий халқ ўйинлари қайтадан жонланишига туртки бўлади. 2023 йил биринчи январгача ҳар бир ҳудудда от спорти турларига тегишли анжомлар савдосини йўлга қўйиш мақсадида дўконлар ташкил этилади, бу эса спорт билан бирга туризм тижорати ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур қарор бугунги кунда халқ орасида норасмий, аммо машҳур кўпкари каби ўйинлар аста-секин илмий аҳамият касб этиши ва нафақат ёшлар ҳаётида, балки ҳарбий соҳада ҳам йигитларнинг нийҳоятда чиникишига замин бўлади.

Ҳужжатта мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши томонидан оммавий спорт мусобақалари ташкил қилинадиган этносспорт турлари рўйхати тасдиқланади. Алоҳида этносспорт турларини ривожлантириш мақсадида спорт федерация (уюшма)лари ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган.

2023 йилги ва келгуси йиллардаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий календарь режаларига асосан, жойларда этносспорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш учун зарур маблағ ажратилиши эса спортнинг янада оммалашшига хизмат қилади.

2023 йилдан бошлаб Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар доирасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, “устоз-шоғирд” анъанаси асосида полвонлик ва дорбозлик санъати тўғраклари ташкил этилади.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши, шубҳасиз, спорт туризмининг ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш борасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам беради.

Аънавий мусобақалар қаторида “Миллий халқ ўйинлари — миллий гуруҳ” шiori остида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тарғиб қилиш ҳамда янада оммалаштириш бўйича полвонлар ва фаҳрий устозлар иштирокида туркум кўрсатувлар ташкил этилади.

Қарор миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ва ўсмирларни уларга кенг жалб этиш, халқаро олоқаларни қучайтириш мақсадларини ўзидида муҳим қилиниши билан муҳим, айтиши мумкинки, тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Бу ўйинларни мутахассислар мультфильм ва компьютер графикаси ўйинларига қўчириб, кенг қўламда тижоратлаштир-са, виртуал оламда болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Келажак авлод-ни турли ёт компьютер ўйинлари авж олган бир шароитда ҳимоя қилиб, ақлий ва психологик жиҳатдан биз ўйлаётганда-да қомил, маъна соғлом авлод этиб вояга етказишимизга сабаб бўлади.

Халқ ўйинларининг моҳиятида жамоа-ни бирлаштириш, ҳимоя қилиш, соғлом авлод тарбияси ва ақлий қобилиятни ривожлантириш мақсадлари мужассамлигини кўради. Шунинг учун инсон жисмонан соғлом, қатъиятли, сабр-матонатли, хо-зиржавоб ва маънавий етук бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган этносспорт турларини ривожлантириш жуда муҳимдир.

Бинобарин, бундай туркум спорт ўйинларини давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида ёшлар ҳаётида кенг қўламда тарғиб этиш уларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга замин бўлиб хизмат қилади.

ва тожиклардек бир-бирига яқин ва дўст яна дунёнинг қаеридадир бормикан, деган савол очиклигига қолаверад.

Бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги барча эшиклар очик. Маданий, иқтисодий, гуманитар — ҳамма-ҳамма соҳада ҳамкорлик авжиди. Айниқса, шоир-ёзувчилар, олимлар, маданият соҳаларидаги ҳамкорлик, икки мамлакат элчиҳоналари фаолияти ҳаммамиз-ни бирдек қувонтиради.

Дўстликни қадрлаш, улуғлаш кераклигини бугун бутун дунё янада тeранoқ ҳис этиб турибди. Дунёнинг нoчoрлашиб, ғариблашиб бoраётгани — урушлар авж олиб, бeгуноҳ инсонларнинг қурбoн бўлиши, минг афсуски, “дўст” атaлмиш қaдриятнинг пoймoл бўлиши-да кўринмoқдa.

Ажaбким, бугун ер юзидa бир-биригa “дўст” ёки “нoдўст” мамлaкaт дeгaн терминлар истeъмoлгa кириб улғурди.

Узaрo ишoнч, ҳурмaт-иzzaт, дўст-лик туғилғури oмoнaт тургaн бир пaйтдa икки қaрдoш хaлқ — тoжик вa ўзбeк дўстлигигa кўз тeгмaсин...

Шулaр ҳaқидa ўйлaнқaнмaн, “Адaбиёт нaзaрийaси” дaрслaридa устoзимиз бизгa ҳaр дoим ақсaтaдигaн ўлмaс хaёт фaлсафaсидaн сaбoқ бeриб кeтгaн экaн, дeгaн ўй бoт-бoт кўнглимдaн ўтa-вeрaди.

## ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

# ЙИЛЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ҚАРДОШЛИК

**Алишер НАРЗУЛЛО,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Дорилфунунда ўқиб юрганимизда устозимиз бир ҳикматни кўп такрорларди: — Уч нарсасга ҳийла кетмайди. Биринчиси — дўстликка, иккинчиси — илм олишга, учинчиси — деҳқончиликка. “Адабиёт назарияси” фанига бу гапларнинг нима алоқаси бор, дея биз, талабаларнинг жаҳлимиз чиқарди. Лекин имтиҳон пайти шеърый санъатларни эслай олмасак ёки аруз ҳақидаги саволларга жавоб тополмасак, дўстлик, илм олиш, деҳқончилик билан боғлиқ бирор ҳикмат ёки икки сатр шеър айтиб баҳо олардик.

Бугун бир умр дўстликни тарғиб қилган ўша устозимиз йўқ. Биз, шоғирдлар у кунларни ширин, ажиб бир хотира билан эслаймиз.

Хўжанднинг машҳур Пайшанба бозори ва Шайх Муслиҳиддин жоме масжидидан сал ўнган юрсангиз, катта йўлнинг сўл томонида икки қаватли бинога кўзингиз тушади. Ўзбек ва тожик филологияси талабалари ана шу бинода бир эшикдан кириб-чиқиб сабоқ оларди. Аудиториялар ҳам ёнма-ён. Берида ўзбек

адабиётинида маъруза бўлаётган бўлса, ёнидагисида тожик тили ёки адабиётидан сабоқ бериларди. Тадбирлар, йиғилишлар ҳам битта залда ўтарди, тўртта одам тўпланадиган бўлса, ҳеч ким беҳабар қолмасди.

Факультетимизда ўтган бир тадбирга гоят камтар ва машҳур ҳофиз Маъруфхўжа Баҳодиров велосипедда келганини эслайман. Тожик тилида айтилган ашулалар ва ўзбекча янраган “Дам бу дамдур, ўзга дамини дам дема,

Бошинг омон, давлатингни кам дема”, дея бошланувчи нопалар юракларнинг туг-тобига етиб борганига, ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам хофиздан миннатдор бўлганига Хўжанднинг ҳали ҳам япроқлари шовуллаб турган юз йиллик чинорлари гувоҳ.

“Ҳақиқати Ленинобод” вилоят газетаси саҳифаларида икки устоз — тожик мумтоз адабиёти кафедраси профессори А.Асадуллоев ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси устози, навоийшунос Э.Шодиевнинг тожик тилидаги бахсларини самимиийлиги боис, ҳамма хайрихоҳ бўлиб қузарарди. Бахслар, илмий тортишувлар бегараз, бетама бўлиши мумкинлигини мен илк бор Хўжандда, азиз устозларимиз тимсолида кўрганим.


Шаҳарнинг бош жомесиди ваъзлар ярми тожик, ярми ўзбек тилида янграрди. Бу кимнидир ранжитганини орқавор-ротдан бўлса ҳам эшитмаганман.

Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Рауф Парфи, Усмон Азим каби

олим, шоирларнинг Хўжандга ташрифи факультетимиз талабалари қатори тожик дўстларимиз — талабалар учун ҳам байрам бўлганини кўриб, гурурланганимиз...

Устоз ёзувчи Уринбой Усмоннинг тожик ёзувчилари билан яқинлиги, самимиий гурунларни ҳавас қилса аргизгулик эди. Институтни битириб Тошкентга кетаётганимда ҳам, Аллоҳ раҳмат қилсин, қалами ўткир журналист, кўпдан-кўп билим, қомусий маълумотлар эгаси Мирзаҳаким Қобиловнинг миллати ким — Ўзбекми ё тожик, билолмаганман. Ажойиб шоир, устозимиз Авлиёхон Эшон Қирғизистонда туғилган бўлса-да, Тожикистонда яшаб, ўзбек маъбуотида хизмат қиларди. Авлиёхон ака тимсолида бир вақтнинг ўзида ҳам ўзбек, ҳам тожик, ҳам қирғизни кўриш мумкин эди...


Мисоллар жуда кўп. Бундай мустаҳкам муҳит замирида минг йилликлар давомида шаклланган, илдиз отган яқинлик, дўстлик, биродарликдан бошқа нима ҳам ётган бўлиши мумкин?...




www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

“

Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги фармониغا асосан ташкил этилган “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги 21 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда экспорт имкониятини кенгайтиришни эса хорижий технология ва сармояларсиз тасаввур қилиш қийин. Жиззах вилоятида 2022 йилда умумий қиймати 8,5 триллион сўмлик 309 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши ҳамда қарийб 8 минг 900 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилгани эътиборга молик.

## ТААССУРОТ

# ЖИЗЗАХ ЖОЗИБАСИ

### Кичик қалъа оламшумул янгиланишлар оғушида

Бугун Жиззах вилоятига келган киши, албатта, шу замин фарзандлари — атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов ҳамда халқимизнинг суюкли шоирлари Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳайкалларига ҳурмат бажо келтиради. Уларнинг музейларини томоша қилишга ошқиади. Зотан, бу жойлар вилоятнинг ташриф қозоғига, воҳа аҳлининг фахр ва гурур тимсолларига айланган. Гарчи ушбу такрорланмас шахслар фаолияти, қилган ишлари тарихда қолган бўлса-да, унутилмайди, аксинча, ёшларга ўзгача бир шайт, ғайрат-шижоат бериб туради. Бинобарин, бундай ҳаракатлар самараси ҳозирги янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар, Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишларда ўз аксини топмоқда. Бунга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан “Янгиланаётган Жиззах — Журналистлар нигоҳида” мавзусида ташкил этилган халқаро медиатур давомида яна бир қарра амин бўлдик.

### Иқтисодий кўрсаткичлар нимадан далолат беради?

Бу саволнинг жавоби оддий: натижалар ижобий бўлса, унинг таъсири бошқа тармоқ ва соҳаларга ҳам яхши бўлади, салбий бўлса ёмон. Яна бир жиҳат, иқтисодий кўрсаткич иқтисодий имконият мавжуд бўлган жойда яхшиланиб, ривожланиб бораверади. Шу маънода, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат соҳасига инвестицияларни жалб этиш ва хорижий ҳамкорлар сифини кенгайтириш борасида кейинги беш йилда амалга оширилган лойиҳалар Жиззах вилояти иқтисодиётида катта ўзгаришлар ясади.

2013 йил ташкил этилган “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги 21 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда экспорт имкониятини кенгайтиришни эса хорижий технология ва сармояларсиз тасаввур қилиш қийин. Жиззах вилоятида 2022 йилда умумий қиймати 8,5 триллион сўмлик 309 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши ҳамда қарийб 8 минг 900 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилгани эътиборга молик. Жумладан, саноат соҳасида 7,3 триллион сўмлик 92 та, хизмат кўрсатишда 693,3 миллиард сўмлик 124 та, қишлоқ ҳўжалигида 489 миллиард сўмлик 93 та лойиҳа бажарилиши мақсад қилинган. Эътиборлиси, жорий йилнинг уч ойида умумий қиймати 148,8 миллиард сўмлик 63 та янги инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилиб, 278 кишининг бандлиги таъминланди.

2022 йилда 21 та инвестиция лойиҳаси доирасида 393,7 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган бўлса, январь-март ойларида 60,6 миллион долларлик шундай маблағлар ўзлаштирилди.



Жиззах вилояти иқтисодиётида автомобиль саноати пайдо бўлиши катта янгиллик ҳисобланади. Биргина 2021 йилда умумий қиймати 3,4 триллион сўм бўлган учта йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, икки минг-

га яқин иш ўрни яратилди. Жумладан, “ADM Jizzakh” МЧЖ томонидан “Kia”, “Renault”, “Lada” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш лойиҳасининг 2-босқичи бажарилди. Лойиҳанинг биринчи босқичи — 2020 йилнинг беш ойи давомида завод қуриб битказилди ва ишга туширилди. Бугунги кунда заводда 260 киши меҳнат қилмоқда.

“Auto Motors Asia” томонидан кроссоверлар, юк автомобиллари ва микроавтобуслар, “Жиззах автомобиль заводи” МЧЖда эса “Volksvagen” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш бошланган. Бу лойиҳаларнинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида 237 миллион долларлик экспорт имконияти яратилди.

Кейинги йилларда тўқимачилик йўналишидаги корхоналар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, 2020 йилда иш бошлаган “New Land” МЧЖ тайёр трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Жиззах шаҳридаги “Олмазор” МФЙ ҳудудида жойлашган корхона лойиҳасининг қиймати 11 миллиард 91 миллион сўм. Ўш ўрни 250 та. Корхонада йилгига ўртача 2 миллион дона тайёр тикув-трикотаж маҳсулот ишлаб чиқарилади.

### Ёшлар учун имконият майдони

Таълим масканлари — ёшлар учун катта имконият майдони. Унда қандай ўрин эгаллаш эса ёшларнинг ўзига боғлиқ.

Сўнгги пайтларда Жиззах вилоятида таълим йўналишида ҳам бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилляп-

кадрларни тайёрлашдан иборат. Битирувчиларга Ўзбекистон ва Ҳиндистонда тан олинадиган диплом берилади. Шу ўринда нима учун Ҳиндистон ва айнан “Sambhram” университети, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Мазкур университет Бангалорда жойлашган ва ушбу ҳудуд мамлакатнинг “Силикон водийси” ҳисобланади. Ҳиндистон бир йилда 115 миллиард долларлик IT маҳсулот экспорт қилади. Шунинг 54 миллиард доллари Бангалор ҳиссасига тўғри келади.



“Sambhram Group” компанияси таълим соҳасида 30 йиллик тажрибага эга ва ҳозирги кунда дунёда ўзининг 7 та халқаро кампусига эга. Жиззахда ташкил этилган таълим даргоҳида ўқитиш кундузги таълим шаклида ўзбек, инглиз ва рус тилларида олиб борилади.

— Айни пайтда таълим масканимизда 1500 талаба таҳсил олмақда, — дейди университет ректори Сирокиддин Тавбоев. — Уларга ҳиндистонлик 16 нафар профессор-ўқитувчи шу ернинг ўзиде, 25 нафари эса онлайн дарс берапти. Ўқиш ўзига хос тарзда олиб борилади. Яъни талабаларга биринчи, иккинчи курсларда инглиз тили чуқур ўқитилиб, учинчи курсдан бошлаб энг яхши ўзлаштирган 200 талаба Бангалорга амалиёт юборилади. Уларнинг икки амалиёт харажатлари университет ҳисобидан қопланади. Ўқиш тўлов-контракт асосида. Шунингдек, бизда семестр якуни билан грантлар эълон қилинади. Яъни якуний назорат имтиҳонлари натижаларига қараб, ҳамма фанларни аъло баҳоларга тўлтирган беш фойз талаба иккинчи ярим йиллик учун контракт тўловидан тўлиқ озод қилинади. Иккинчи грант худди шу тарзда имтиҳондан аъло ва яхши баҳоларга ўтган беш фойз талабаларга эллик фойзлик чегирма беради. Худди шу тартибнинг йигирма беш фойзлиги

ҳам бор ва у ўн фойз талабага тақдим этилади.

Диққатга сазовор жиҳати, таълимнинг ўзига хос ушбу усули талабаларга мотивация беради. Яъни яхши ўқиш орқали оила бюджети харажатини камайтиришга интилади.

Вилоят ёшларини ўқитиш ва ҳунарга ўргатиш ҳақида гап кетганда, Жиззах IT парки фаолиятига алоҳида тўхталиш жоиз. Зеро, бу ер бугун уларнинг сеvimли масканига айланган.

Вилоятда таълим йўналишида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар, амалий ҳаракатлар кўлами кенг, ташаббуслар кўп. Бунга ушбу икки маскан фаолияти яққол мисол бўлади.

### Сиру синаотларга тўла маскан

Жиззах ноёб ва экзотик рельеф, ўзига хос мўътадил иқлимга эга. Зомин, Бахмал, Фориш ва Янгиобод тоғлари ҳамда тоғ ёнбағирларида арчазор, бодмзор, ёнғоқзорлар, камёб шифобахш ўсимликлар бисёр. Унинг ҳали сиру синаоти тўлиқ ўрганилмаган тарихий тошбитиклари, қоятош расмлар, ғор ва даралари, қадимий қонлари қанча.

Вилоятнинг қайси туманига борманг, албатта, бир зиёратгоҳга, шифобахш булоқларга дуч келасиз. Бахмал туманидаги Малик Аждар, Усмон ота, Биби Ойша, Фаллаорол туманидаги Саврак ота, Саъд ибн Абу Ваққос, Форишдаги Катта Боғдон булоқлари суви турли хасталикларга даво бўлишини замонавий тиббиёт текширувлари, таҳлиллари тасдиқлайди.

Вилоят ҳудудида жами 366 та зиёратгоҳ ва кадамжо, маданий-тарихий мерос ва обида мавжуд. Жумладан, Фаллаорол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи, Фориш туманидаги Муҳаммад Шариф Грекушоҳ маданий ёдгорлиги ва Ҳўжа Боғдон ота зиёратгоҳи, Бахмал тумани ҳудудидаги Новка ота, Янгиобод туманидаги Ҳўжа Мушкент ота, Шароф Рашидов туманидаги Парпи ота зиёратгоҳлари истиқлол туфайли кайта қад ростлади.

— Ўрни келганда қайд этиш кераки, мана шундай имкониятлар туфайли сайёҳлар оқими тобора кўпайиб бормоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Синдор Раҳмонкулов. — Жумладан, 2020-2022 йиллар мобайнида вилоятимизга жами 1,768 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Шундан 680 минг нафари хорижликдир.

Вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун 2022-2026 йилларда Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва Айдар-Арсасой кўллар тизимида қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканлари барпо этиш бўйича 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва 25 мингта янги иш ўрни яратиш белгиланган.

Алоҳида транспорт қатновларини йўлга қўйиш, туристик зоналардаги тадбиркорларга имтиёзлар бериш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, Фориш туманида алоҳида туристик комплекслар, Зомин туристик ҳудудида замонавий тоғ-чанги комплекси, тоғ-дор йўли, 8 та сиҳаттоҳдан иборат рекреацион зона барпо этиш режалаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 6 апрелдаги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори асосида “Зомин” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда ҳудуддаги Суффа — 2400 платоси ва Урикли-сўй туризм мажмуаси доирасида бош пудратчи — “Discover Invest” томонидан 3 та замонавий меҳмонхона қурилмоқда ва бошқа инфратузилма объектларини лойиҳалаш ҳамда жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур аял-ҳаракатлар самараси ўлароқ, яқин йиллар ичида Зомин туманида денгиз сатҳидан қарийб 2500 метр баландликда ўзига хос сайёҳлик шаҳарчаси пайдо бўлади. Натижада ҳудуд маҳаллий аҳолино хорижлик сайёҳлар учун қулай дам олиш масканига айланади. Жиззахнинг хорижий сармоядорларни жалб этувчи иқтисодий жозибадорлиги яна бир йўналишга кўпаяди.

### Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер маърузида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1793

**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов  
Мусахҳас: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎЗА якуни — 01:50 Топширилди — 02:40